



U'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI
TOSHKENT

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2009 йил
5 декабрь
ШАНБА
№ 97
(12.213)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Эркин нархда сотилади

www.th.uz

КОНСТИТУЦИЯ ВА ҚОНУНЛАР — ЖАМИЯТ ВА ШАХС МАНФААТЛАРИ ҲИМОЯСИДА

Мамлакатимизда Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод! 17 йиллигини нишонлаш арафасида турибди. Мазкур Конституция инсон, унинг ҳаёти, озолиги, қадр-қиммати ва бошқа ҳуқуқларини олий қадрият сифатида тан олувчи суверен демократик давлат барпо этишнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Босиб ўтилган йўлга назар солар эканмиз, шунинг билан айтиш мумкин, ўтган тарихий қисқа давр мобайнида мамлакатимизда конституциявий меъёrlар ва тамойилларни ҳаётга татбиқ этиш, фуқароларнинг шахсий, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини тўлиқ таъминлаш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Давлатимиз раҳбари Ислам Абдуганиевич Каримов томонидан илгари сурилган "Қучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари" тамойили асосида жамият ва давлат ҳаётининг барча жабҳаларини ривожлантириш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш, сиёсий ва суд ҳуқуқ тизимларини такомиллаштириш босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида ислохотларнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини яратиш муҳим аҳамият касб этган бўлса, ҳозирги кунда олдимизда турган устувор вазифалардан бири уни такомиллаштириш ҳамда замон талабларига мослаштириш ҳисобланади.

Бунда асосий эътибор сиёсий тизимни янада ривожлантириш, суд ҳокимиятининг мустақиллигини мустаҳкамлаш, процессуал иш юритишнинг такомил-

лаштириш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизими ва жиноий жазоларни либераллаштириш, ўта хавфли жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашни кучайтиришга қаратилмоқда.

Хусусан, жорий йилда 10 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, уларга кўра сайловлар тўғрисидаги, жиноят, жиноят-процессуал, маъмурий жавобгарликка оид қонунчилик ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва қўллашнинг амалга оширувчи органлар фаолиятини тартибга солувчи бошқа бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мутлақо янги ўзгаришлар мажмуи киритилди.

2009 йил 1 июлдан кучга кирган "Сайловлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ушбу йўналишда амалга оширилган ишлар сирасида алоҳида аҳамият касб этади.

Мазкур Қонунга биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси беш йил муддатга сайланган 150 нафар депутатдан ташкил топиши белгиланди.

(Давоми 2-бетда).

27
декабрь —
сайловлар кун

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи 82-Олмалиқ сайлов округи ҳудудида фуқароларнинг овоз беришини ташкил этишга тайёргарлик қилинган давом этмоқда.

БУЁҒИ НОМЗОДЛАРНИНГ ЎЗИГА БОҒЛИҚ

Шу округ ҳудудига кировчи Олмалиқ, Охангарон шаҳарлари ҳамда Охангарон туманининг Дустлик, Озодлик, Қорахотий қишлоқларидаги 68 та сайлов участкасида сайловчиларни

рўйхатга олиш, овоз бериш ёнига етган йигит-қизларни, кексаларни аниқлаш жараёни поёнига етмоқда.

— Бизнинг округимизда Қонунчилик палатаси депутатлигига уч номзод рўй-

хатга олинган, — дейди 82-округ сайлов комиссияси раиси Анатолий Давиденко. — Номзодлари Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан кўрсатилган "Меҳнат-групп" компанияси бош

директори Орифжон Исмоилов, "Миллий тикланиш" демократик партиясидан кўрсатилган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Мудофиа ва ҳавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси Игорь Коренев, Ўзбекистон тadbirkorлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Либерал-демократик партиясидан кўрсатилган Пискент шаҳридаги "Дар-бизнес" хусусий корхонаси раҳбари Дилафруз Рашидованинг сайловчилар билан учрашувлари юқори даражада ўтиши учун барча шароитлар муҳайё қилинди.

Жўрабек МУРОДОВ.



СУРАТЛАРДА: округ сайлов комиссияси раиси Анатолий Давиденко комиссия аъзолари билан номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларини ташкил этиш хусусида суҳбатлашмоқда; округ сайлов комиссияси котибаси Хуршида Ортиқбоева (чапда) комиссия аъзоси Мархабо Мақсумова билан навбатдаги ишлар режасига аниқлик киритмоқда.

Собиржон ЗУФАРОВ олган суратлар.

ҲАМКОРЛИК ЯНАДА РИВОЖЛАНАДИ

Мамлакатимизга ташриф буюрган Туркия Республикаси соғлиқни сақлаш вазири Режеп Акдаг раҳбарлигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Адҳам Икромов билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари барча жабҳаларда, жумладан, тиббиёт соҳасида ҳам изчил ривожланиб бораётгани таъкидланди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз тиббиёт тизимида олиб борилаётган изчил ислохотлар аҳолини тиббий-ижтимоий ҳимоялаш, тиббий хизмат сифатини янада юксалтириш, шифо масканларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза этиш ишларида муҳим омил бўлмоқда. Мазкур йўналишда халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётган. Бу борада Туркия соғлиқни сақлаш маассалари билан яқин ҳамкорликда амалга оширилаётган қўшма лойиҳалар бунинг тасдиғидир.

— Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари мустаҳкамланиб бораётгани бизни қўл қувонтиради, — деди Режеп Акдаг. —

Ташриф асосида Ўзбекистонда тиббиёт тизимида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар самарасида катта муваффақиятларга эришилаётганининг гувоҳи бўлдик.

Учрашувда Ўзбекистон билан Туркия ўртасида соғлиқни сақлаш соҳасида ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, соҳада кадрлар тайёрлаш ва мутахассислар малакасини ошириш, ўзаро фойдали лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Делегация аъзолари пойтахтимиздаги Гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институти ҳузуридаги суяк қўмиги трансплантацияси марказини бориб кўрдилар. Тегирийлар тарихи давлат музейида бўлиб, Соҳибқирон ва унинг авлодлари ҳақида ҳикоя қилувчи ранг-баранг экспонатларни кўздан кечирдилар.

Мадина УМАРОВА, ЎЗА мухбири.

ЕТУК КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШГА БАҒИШЛАНДИ

Пойтахтимизда қишлоқ ва сув хўжалиги соҳалари учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш масалаларига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Тошкент ирригация ва мелiorация институти ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда соҳа мутахассислари, олимлар ва тадқиқотчилар иштирок этиди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислохотларни чуқурлаштириш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, мулкдорлар ва ишбилармонларнинг манфаатларини ҳимоялаш, ернинг мелiorатив ҳолатини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Бошқа тармоқларда бўлгани каби аграр соҳани пухта билимли, мустақил кадрлар билан таъминлаш — замон талаби.

Ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш бўйича амалга оширилаётган тадбирлар самарадорлигини таъминлашда илм-фан

ютуклари, олим ва мутахассисларнинг ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этмоқда. Қишлоқ хўжалиги соҳасида олиб борилаётган ислохотларни ҳаётга изчил жорий этишда Тошкент ирригация ва мелiorация институтида таълим олган талабаларнинг салоҳиятидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Анжуманда қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқларини механизациялаш, электрлаштириш ҳамда автоматлаштириш борасидаги долзарб вазифалар, ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, тўпроқ унумдорлигини оширишга бағишланган илмий ишлар қўламини янада кенгайтириш, гидротехника иншоотлари конструкцияларини такомиллаштириш ҳамда малакали кадрлар тайёрлашга оид маърузалар тингланди ва муҳокама қилинди.

Сайёра ШОЕВА, ЎЗА мухбири.

Долзарб мавзу

Бугун ер шарининг нариги томонида бўлаётган воқеани интернетнинг on-line тизими орқали тургидан-турғи кузатиш имкони бор. Бунинг учун телевизор ёки компьютер

тер бўлиши шарт эмас. Телекоммуникация соҳасидаги ютуқлардан хабардор киши учун қўлидаги мобил телефоннинг митти дисплейи ҳам катта экран вазифасини ўтайди.

ЭКРАНДАГИ ЭРМАК ЭПИДЕМИЯСИ

Аммо юксак тараққиёт аталаётган бу жараён, ўз навбатида, айрим иллатлар учун йўл очиб бераётгани ҳам сир эмас. Таъбир жоиз бўлса, интернет хизматидан фойдаланган ҳолда тинчгина яшаётган одамлар орасига кутку соладиган, ёшлар дунёқарашига салбий таъсир кўрсатадиган ахборотлар тарқатиш, ёвузлик ва беҳаёликни тарғиб қиладиган тасвирларни жойлаштиришдек ярамас

иллат пайдо бўлдики, уни информация хуруж, экрандаги экспансия, деб аташ мумкин.

Президентимиз Ислам Каримовнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарига таъкидланганидек, ҳаёт ҳақиқати шунинг кўрсатадики, ҳар қандай тараққиёт маҳсулидан икки хил мақсадда — эзгулик ва ёвузлик йўлида фойдаланиш мумкин. Агарки башарият тарихини, унинг та-

факкур ривожини тадрижий равишда кўздан кечирадиган бўлсак, ҳаётда инсонни қамолотга, юксак марраларга қўлайдиган эзгу гоя ва таълимотлар билан ёвуз ва зарарли гоялар ўртасида азалдан кураш мавжуд бўлиб келганини ва бу кураш бугун ҳам давом этаётганини кўраимиз.


(Давоми 4-бетда).

БИЛИМ ВА ТАФАККУР ЭЪТИРОФИ

Кун кеча "Халқ сўзи" газетасида 2009-2010 ўқув йили учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендиялари танлови ғолиблари эълон қилинди. Қувонарли жиҳати улар орасида виллоятимизнинг икки нафар иқтидорли талабалари ҳам бор. Бу мамлакатимизнинг Бош Қомуси

қабул қилинган кун нишонлаш арафасида чинакам хушxabар бўлди. Биз нуфузли давлат стипендияси соҳибларини эришган улкан ютуқлари билан самимий қўлаб, уларни муштарийларимизга яқиндан таништиришни лозим топдик.

Абдуллаева Ҳадия Абдурасуловна (бакалаврият йўналиши, журналистика мутахассислиги бўйича)



1987 йил 1 февралда туғилган. Ўзбекистон Миллий университети "Журналистика" таълим йўналишининг 4-курс талабаси. Илмий анжуман ва конференцияларда фаол қатнашиб келади. Фан олимпиадаларида фахрли ўринларни эгаллаган. Ўқийда фанларни аъло баҳоларга ўзлаштирилганлиги ҳамда жамоат ишларида фаол иштирок этганлиги учун қўлаб фахрий ёрлик ва ташаккурномалар билан тақдирланган. 2008 йилда ўтказилган LG грант танловида ғолиб бўлган. NTT телеканалда "Ёшлар олами" кўрсатувининг "Мушоҳада" сахифасини олиб боради. Рус ва инглиз тилларида эркин сузлашади.

Айни вақтда "Ўзбекистонда интеллектуал кўрсатувларнинг пайдо бўлиши ва тайёрлашда манбалар билан ишлаш" мавзусида изланишлар олиб бормоқда.

Абдурахмонов Ботир Ўринбоевич (магистратура йўналиши, қишлоқ ва сув хўжалиги мутахассислиги бўйича)



1986 йил 16 апрелда туғилган. Тошкент ирригация ва мелiorация институти "Сув ресурсларидан комплекс фойдаланиш ва уларнинг муҳофазаси" мутахассислиги 2-курс магистранти. Фанларни чуқур ўзлаштириш билан бир қаторда республика ва институт миқёсида ўтказилаётган турли илмий-амалий анжуманлар ҳамда маданий-маърифий тадбир ва танловларда фаол қатнашиб келаётганлиги муносабати билан қўлаб фахрий ёрлик ва ташаккурномаларга сазовор бўлган. Инглиз ва рус тилларида эркин сузлашади.

Ҳозирда "Пахтадан бўшаган ғўзаяполи дала-ларга кузги дон уруғини пуштага экиш технологияси ва техник воситасини ишлаб чиқиш ва асослаш" мавзусида изланишлар олиб бормоқда.

ЁШЛАР УЧУН ҲУҚУҚИЙ ТАРҒИБОТ

Чирчиқ шаҳридаги ижтимоий-иқтисодиёт касб-хунар коллежида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17 йиллигига бағишланган ҳуқуқий тарғибот кечаси ўтказилди.

Уни Маънавият-тарғибот марказининг виллоят бўлими ташкил этди. Тошкент Дав-

лат юридик институти ўқитувчиси, юридик фанлари номзоди Шерзод Абдураимов

ўқитувчи ва талабаларга мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислохотларда Асосий Қонунимизнинг роли, Конституциямизда белгиланган бошқа ҳаётий муҳим масалалар ҳақида гапириб бер-

ди. Санъаткорларнинг чиқишлари, шоирлар мушоираси иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Юсуф ЖУМАЕВ.

СУРАТЛАРДА: учрашувдан лавҳалар.



ОБУНА
давом
этноқда
ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
2010 йилда ҳам
Сиз билан!
Нашр
индекси - 205.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, қўйи палата депутатларининг 135 нафари умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлаш ҳуқуқи асосида ҳудудий бир мандатли сайлов округларидан кўппартиявийлик асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланадилар.

Шу билан бирга, 15 нафар депутатлик ўрни ўтган йилда мамлакатимизда ташкил этилган Ўзбекистон Экологик ҳаракатига ажратилган бўлиб, депутатлик ўринлари квоталарининг бундай тарзда тақсимланиши аҳолининг барча қатламлари манфаатларига бевосита тааллуқли бўлган табиати муҳофаза қилиш ва фуқаролар соғлигини сақлаш масалаларининг ўта долзарблиги билан изоҳланади.

Мазкур Қонун билан Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан Қонунчилик палатаси депутатлигига сайланадиган шахсларга қўйиладиган талаблар, ушбу ҳаракатдан депутатларни сайлаш тартиби ҳамда уларнинг парламентдаги фаолияти билан боғлиқ бошқа масалалар тартибга солинган.

2009 йил 14 январда қабул қилинган "Ижро иши юритиш тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонунга кўра суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро қилиш ҳақидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлиқни назарда тутувчи меъёрлар тақомиллаштирилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 198¹ ва 198²-моддалар билан тўлдирилиб, уларга биноан қарздор томонидан ижро ҳужжатини узрли сабабларсиз бажармаслик билан бир қаторда, қарздорнинг даромадлари ва мулклари тўғрисида нотўғри маълумотлар тақдим этиш, ижро ҳужжатини йўқотиш, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлардан ундириб қолиш ҳақидаги ижро ҳужжатларини рўйхатга олиш, сақлаш ва ижро қилиш тартибини бузиш, шунингдек, қарздорнинг янги иш, ўқиш ҳамда нафақа ва бошқа даромадларни қилиш жойи ҳақида хабар қилмаслик ҳам маъмурий ҳуқуқбузарликлар қаторига киритилди.

Шу аснода Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида ҳам тегишли ўзгаришлар киритилди. Ушбу кодекснинг 232-моддаси илгари суд ҳужжатларини қасдан бажармаслик ёки уларни бажаришга тўсқинлик қилиш учун фақатгина мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини назарда тутган бўлса, мазкур модданинг янги тахририга кўра, ҳар қандай шахс суднинг маълум ҳаракатларни содир қилиш ёки қилмаслиқни юқовчи ҳужжатларини маъмурий жавобгарликка тортиладиган сўнг бажармаслиги ёки уларни бажаришга тўсқинлик қилиш жиноий жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

Маъмурий жавобгарликка оид қонунчиликка киритилган янги меъёрларни қўллаш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаменти ва унинг ҳудудий тармоқлари ваколатига киритилганлиги алоҳида аҳамиятга эгадир. Бундан ташқари, Суд ижро департаменти бундан буён воёга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни ва ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш, суд қарорини бажармаслик, шунингдек, банд солиingan мол-мулкни қонунга хилоф равишда тасаруф этиш билан боғлиқ ишлар бўйича суриштирув органларининг ваколатларидан фойдаланади.

Ўйлайманки, қонунчиликка киритилган ушбу ўзгаришлар ақин келажақда суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро қилиш борасида қонунчиликни таъминлашга ижобий таъсир кўрсатади, суд ижрочилари фаолиятининг самарадорлигини оширади, натижада фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимояси кафолатланади.

Ўтган давр мобайнида жиноий жазоларни либераллаштириш борасидаги ишлар давом эттирилди.

2001 йил 29 августда "Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши билан Жиноят кодекси 66¹-модда билан тўлдирилиб, унга кўра жиноят содир қилган шахснинг жабрланувчи билан ярашиши муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиниши асослари белгилан қўйилди.

Тахлиллар шуни кўрсатмоқдаки, мазкур институт амалга киритилганидан буён 100 минг нафарга яқин шахс ярашув муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилинган бўлиб, ушбу кўрсаткич умумий судлан-

(Давоми. Боши 1-бетда).

ганларнинг 25 фоизини ташкил этади.

Шу қаторда, жабрланувчилар билан жиноят содир қилган шахслар ярашиши ҳолатларининг йилдан-йилга ўсиб бориши тенденцияси кузатишмоқда. Жумладан, 2002 йилда ярашув муносабати билан 8,7 минг нафар шахс жиноий жавобгарликдан озод қилинган бўлса, 2008 йилда бу кўрсаткич 21,8 мингтага етган.

Ярашув институтига кўра жавобгарликдан озод қилинган шахсларнинг асосий кўпчилик қисмининг ҳуқуқи ижобий томонга ўзгарган. Ушбу давр мобайнида бу тоифадаги шахслар томонидан камдан-кам ҳолатлардагина тақдоран жиноят содир қилинганлиги бунинг яққол тасдиғидир.

Айнан шу сабабли, ижтимоий ҳавфлилик даражасига кўра Жиноят кодексининг 66¹-моддаси таъсирига тушувчи жиноятларга ўхшаш бўлган бошқа жиноятларга нисбатан ҳам ярашув институтини татбиқ этиш масаласи мунтазам равишда кўриб келинган.

Жумладан, ушбу модданинг дастлабки тахририда унда кўрсатилган 33 та жиноят таркибидан бирортасини биринчи марта содир қилган шахс, агар ўз айбига иқдор бўлса, жабрланувчи билан

ри томонидан 2006-2008 йилларда 4,3 мингта давлат рақамлари номаслүм шароитларда йўқотилганлиги ҳолатлари қайд этилганлигини кўрсатди. 32 та ҳолатда эса давлат рақамларининг ўғирланганлиги бошқа жиноятлар терговига жараёнида аниқланган.

Хусусан, ички ишлар идоралари томонидан шахсий автомашиналарга аввал фуқаролардан ўйрилгангн автомашина давлат рақамларини ўрнатган ҳолда босқинчилик содир этилган бир қанча жиноятлар тергов қилинган.

Ўз ўрнида, автомашинанинг давлат рақами ўзганинг мулкчи ҳисобланмаганлиги, яъни у ваколатли давлат идораси томонидан автомашина эгасига унга эгалик қилиш даврига берилган (транспорт воситасини қайд этиш гувоҳномаси, лицензия каби) қатъий ҳисобдаги рақам бўлганлиги учун уни ўғирлаганлик Жиноят кодексининг 169-моддаси таъсири доирасига тушмаслигини таъкидлаб ўтиш лозим.

Шу муносабат билан, жорий йилнинг 8 сентябрида "Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 227-моддасига ўзгаришлар киритиш тўғрисида" Қонун қабул қилиниб, унга асосан, қорхоналар, муассасалар, ташкилот-

тўғрисида"ги Қонунининг қабул қилиниши бўлди.

Ушбу модданинг аввалги тахририга асосан фуқаролик процессида адвокатлар билан бир қаторда тарафлар, учинчи шахслар томонидан танланган шахслар, биргалликда иштирок этувчилардан бири бошқа иштирок этувчиларнинг топшириғи бўйича шартнома асосида (иштиёрий) вакил бўла олишлари қайд этилган эди.

Аммо ушбу тартиб, Жиноят-процессуал кодексининг 49-моддасига ўхшаш ҳолатда фуқароларни Конституция билан белгиланган малакали юридик хизматга бўлган ҳуқуқларининг амалга оширилишини ҳар доим ҳам таъминламас эди.

Шуларни эътиборга олган ҳолда судларда ишларнинг қўрилишида вакил сифатида фақатгина адвокатлар иштирок этиши белгилан қўйилди.

Шунингдек, фуқаролик ишлари бўйича судларда адвокатлар билан бир қаторда бошқа фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи шахслар рўйхати аниқ кўрсатилди.

Янги қонунга кўра бундай шахслар тоифасига қўйиладиган киритилган: насл-насаб шахараси бўйича тўғри туташган ёки ён шахара бўйича қариндошлар, шунингдек, эр (хотин) ёхуд унинг

легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликни белгилувчи янги 179³-модда билан тўлдирилди.

Ушбу моддага мувофиқ, махсус ваколатли давлат органига хабар қилиниши лозим бўлган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар ҳақидаги ахборотни тақдим этмаслик ёки тақдим этиш муддатларини бузиш, ички назоратни ташкил қилиш, пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни қонунда белгиланган ҳолларда ёхуд махсус ваколатли давлат органининг кўрсатмасига биноан тўтатишга доир чора-тадбирларни қўрмаслик, худди шунингдек, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш муносабати билан тижорат, банк сири ва қонун билан қўрилгандагн ўзга сирини ташкил этувчи маълумотларни ғайриқонуний равишда талаб қилиш, олиш ёки ошкор этиш энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Қонунчиликка киритилган қатор ўзгаришлар идоравий назоратни қучайтиришга қаратилган бўлиб, бу жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тизими билан қамраб олинган қорхоналар доирасининг кенгайиши ҳамда ички назорат қондаларини ташкил этиш тартибининг ўзгариши билан боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 17 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун истеъмо бозорига сифатсиз ёки яроқсиз дори воситалари ва тиббий буюмлар қариб келиши ҳолатларига қарши курашиш ҳамда фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдидларнинг олдини олишга қаратилган.

Шуни айтиш керакки, қайд этилган қонун қабул қилингунига қадар қонунчиликда сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситаларини ёхуд тиббий буюмларни ўтказиш мақсадида ишлаб чиқариш, тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташуи ёки ўтказиш учун жавобгарлиқни назарда тутувчи бирон-бир норма мавжуд бўлмаган.

Натижада бундай ҳаракат содир қилишда айбдор шахсларни жиноий жавобгарликка тортишда турли хил амалиёт шаклларида. Бу эса, ўз навбатида, сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситалари ёхуд тиббий буюмлар муомаласига қарши курашиш борасидаги чора-тадбирлар самарадорлигига салбий таъсир кўрсатди.

Эндиликда қонунчиликдаги ушбу бўшлиқ тўлдирилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 165¹-модда билан тўлдирилди, унга кўра сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситаларини ёхуд тиббий буюмларни ўтказиш мақсадида ишлаб чиқариш, тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташуи ёки ўтказиш шу ҳуқуқбузарликларни содир этиш қуроли ва ашёларини мусодара қилган ҳолда, энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Маъмурий жазо қўлланилганидан кейин шундай ҳаракатлар содир этганлик учун эса, қорондаги қонунга мувофиқ Жиноят кодексида киритилган 186³-модданинг 1-қисми билан энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилади.

Мазкур модданинг иккинчи-тўртинчи қисмларида бу жиноятнинг айбдорга нисбатан беш йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазосини қўллагча сабаб бўлувчи таркиби назарда тутилган.

Қонунчиликка киритилган қорондаги янгиликлар ҳалқимизнинг Конституцияда билдирилган инсон ҳуқуқ ва эркинликларига ҳамда давлат суверенитети принципига содиқлигининг яна бир исботидир.

Қоронда билдирилган фикрларим яқинда, Президентимиз И. А. Каримовнинг қўйидаги сўзларини келтирмакчиман: "Юртимизда замонавий демократик давлат ва жамят қуриш бўйича Конституциямизда белгиланган амалга ошириш борасида эришилган муҳим натижаларни муносиб баҳолаш эканимиз, бугунги кунда демократик ислохотлар ва жамятнинг либераллаштириши ишчил ва босқичма-босқич давом эттириш ҳамда чуқурлаштириш жараёни ўзининг аниқ ва равшан марраларига эга бўлиб, ҳаётимизда дошланган тўб ўзгаришлар албатта ўз манъиқий яқунига етказилади, деб айтиш учун барча асосларимиз бор".

РАШИТЖОН ҚОДИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Бosh прокурори.

ТАДБИРКОРЛАР УЧУН ГРАНТЛАР

Пойтахтимизда "Меҳр нури" хайрия жамғармаси томонидан таъсис этилган "Кичик ва ўрта тадбиркорлик, фермерликни ривожлантириш учун грантлар" таллови иштирокчилари учун семинар бўлиб ўтди.

"Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури доирасида чекка ҳудудларда замонавий технологиялар билан жиҳозланган илҳам қорхоналар барпо этиш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш асосида қишлоқ аҳолиси, айниқса, хотин-қизлар ва ёшларни иш билан таъминлаш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлар ва ишбилармонлар манфаатларини ҳимоялашга оид ишлар қўламини янада кенгаймоқда.

Ушбу йўналишда жамоат ташкилотлари томонидан ҳам қатор лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда. "Меҳр нури" хайрия жамғармаси томонидан таъсис этилган "Кичик ва ўрта

тадбиркорлик, фермерликни ривожлантириш учун грантлар" таллови ана шундай тадбирлардандир. Қишлоқ аҳолиси, ижтимоий кўмакка муҳтож оила вакиллари учун мўлжалланган ушбу таллов уларга тақдим этилган грант асосида ўз бизнесини йўлга қўйиш, касбаничилиқни ривожлантириш билан таъминлаш, қишлоқ ҳўжалиғи йўналишида қорхоналар, кичик цехлар ташкил этиш имконини беради.

Семинарда таллов қатнашчиларининг бизнес-режалари, келгусидаги тадбиркорлик фаолияти атрофида муҳокама этилди. Уларга зарур ҳуқуқий-иқтисодий маслаҳатлар берилди.

Назозат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

МЕҲР ОҒУШИДА

Мустақиллик йилларида амалга оширилаётган кучли ва манзилли ижтимоий ҳимоя сисёати барчага ўзини шу азиз ва ягона мамлакат фарзанди, ҳамиша эл-юрт эътиборида эканлигини ҳис қилиб, тўлақонли ҳаёт кечириш бахтини ато этмоқда.

Имконияти чекланган ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, имкониятларига қараб маданий ҳаётга ва меҳнатга жалб этиш, лаёқатларига кўра иш билан таъминлашга эътибор йил сайин кучайиб бормоқда, — дейди қасаба уюшмалари вилоят ташкилотлари бирлашмаси кенгашичинг раиси Мухайё Тулаганова. — Бу ўтган чоршанба — Халқаро ногиронлар куни барча шахар ва қишлоқларда уюштирилган хайрия тадбирларида, айниқса, аққол намойён бўлди.

Шу кунги Тошкент туманидаги Ўрағш ота гузарига ўтказилган "Меҳр қолур..." хайрия тадбири барча туманлардан келган ногирон болалар учун чинакам байрамга айланди. Шеърхонлик шўх-шўх қуй-қўшқиларга уланди. Болалар ўзларининг бахтли ҳис этиб, яйраб ўйнаб-қулишди.

Қасаба ташкилотлари етакчилигида Тошкент туман ҳокимлиги, "Вилоятбозорсавдо" уюшмаси, вилоят ҳокимлигининг йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш



департаменти, "Умр" жамоатчилик маркази ҳомийлигида ташкил этилган бу байрам давомида барча иштирокчиларга алоҳида меҳр-муруват кўрсатилди, қимматбаҳо совғалар улашилди.

Халқаро ногиронлар кунига бағишланган тадбирлар вилоятимизнинг Ўрта-чириқ туманида ҳам бўлиб ўтди. Туман ҳокимлигининг бундай эътибори кўпчиликни мамнун этди.

Юсуф ЖУМАЕВ,
СУРАТАЛАРДА: тадбирлардан лавҳалар.

Еркебой БОТИРОВ,
Собир ЗУФАРОВ
олган суратлар.



Ёнғин хавфсизлиги ойлиги

ХОТИРЖАМЛИККА НИМА ЕТСИН

Қиш мавсумида об-ҳавонинг совиб кетиши, газ босимининг пасайиши, инсонларнинг электр манбасига бўлган эҳтиёжининг ортиси оқибатида ёнғинлар бир мунча кўпаяди. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига мувофиқ, республикамиз ҳудудида 2009 йилнинг 23 ноябридан 23 декабрига қадар "Ёнғин хавфсизлиги ойлиги" ўтказилмоқда.

Бу даврда ёнғин хавфсизлиги хизмати ҳамда маҳаллий ҳокимликлар, ўзини ўзи бошқарган органлари, ҳудудий профилактика инспекторлари ҳамкорлигида олиб бориладиган тарғибот ишларини қучайтириш, яъни маҳалла, қорхона, ташкилотлар, ўқув ва даволаш муассасаларида виқториналар, ёнғин хавфсизлиги қондаларига оид сўзбатлар ўтказишни мақсад қилганмиз. Мировод тумани ички ишлар бошқармаси ёнғин хавфсизлиги бўлими томонидан ушбу ойлиқни самарали ўтказиш мақсадида туман ҳокимининг қарорига асосан, мутасадди ташкилотлар вакилларидан иборат таркибда ишчи гуруҳлар ташкил қилинди.

Ҳозирги кунда бўлим шахсий таркиби маҳаллаларда,

қорхона ва ташкилотларда, таълим муассасаларида ҳамда даволаш масканларида тарғибот ва ташкилот тадбирлари ўтказилаётди. Бундан ташқари ерости сув қудуқларини текшириш, қонуний қурилмаларни аниқлаш, газ ва электр мосламаларидан ноқонуний фойдаланиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида газ-электр идоралари ходимларини жалб қилган ҳолда рейдлар уюштирилмоқда.

Ёнғинни ўчиришдан қўра, унинг олдини олган афзал. Ёнғин хавфини сезсангиз дарҳол 01 телефон рақамини орқали ўт ўчириш хизмати-га қўнғирот қилинг.

Жалолиддин АСКАРОВ,
Мировод тумани ёнғин хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи.

КОРХОНА ВА ФУКАРОЛАР ДИККАТИГА!

Ҳали ҳам кеч эмас...

инфлювак®

Гриппга қарши самарали ҳимоя

Б ойликдан юқори ёшдагиларга қўллашга рўхсат берилган

1990年12月10日

Тошкент вилояти "Дори-Дармон" ОАЖ.

ДУКАРОЛАР ДИККАТИГА!

"Тошкент электр тармоқлари" ОАЖ
маъмурияти барча фуқароларни
 шахсий масалалар бўйича бошқарув
раиси томонидан ҳафтанинг душанба
куни соат 15.00 дан 17.00 гача,
чоршанба кuni соат 10.00 дан 12.00 гача,
Бош муҳандис томонидан ҳафтанинг
сешанба кuni соат 15.00 дан 17.00 гача ва
жума кuni соат 15.00 дан 17.00 гача
қабул қилади.

Тузатиш: "Тошкент ҳақиқати" газетасининг 07.11.2009 йилдаги № 89 (12.205)-сонида чоп этилган "РКМБ" ЎАЖнинг аукцион савдосига Янгийўл шаҳар СИБ томонидан чиқарилган, "Нексия DOHS" русумли, д/р 10 053AAA бўлган автотранспорт воситасининг давлат рақами 10 253AAA деб ўқилсин. Тел.: 228-79-52.

Сергели туманидаги "TOSH-KENT GO'SHT" масъулияти чекланган жамияти устави fondiни 270 581 301 сўм 80 тииндан 264 281 301 сўм 80 тиинга камайтаётганлигини маълум қилади.

Телефон: 250-83-76.

ООО "KARVON TARAQQIYOT" (ИНН 201354189), зарегистрированный в Англинском районе Ташкентской области сообщает об уменьшении уставного фонда общества с 520.000.000 сумов до 435.838.000 сумов.

Справки по телефонам: 128-45-71, 301-74-89.

Утеранные лицензионные карточки № 0000656 ППЛА

ЧП "AGT MEGA" покупает металлопрокат в виде угольника, арматуры, трубы в безналичном расчете. Тел.: 289-45-99.

ООО "KELISUV" (ИНН 101014244), зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Мир-абатского района г. Ташкента, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ**.

Претензии принимаются в течение 2-х месяцев с момента опубликования указанного объявления.

Янгйўл шахар ҳокимлиги "ТО ЗАЛИК" давлат унитар корхонаси Янгйўл шахар обдонлаштириш ва қуқулдорлаштириш бўлими қўлини муссабабти билан 2009 йилда корхона ва ташкилотлар билан тузилган шартномаларни бекор қилади.

ЗАО "СКБ" (ИНН 201061188) Юнусабадского района г. Ташкента преобразуется в ООО "СКБ".
Претензии принимаются в течение месяца со дня опубликования объявления.

ДУШАНБА 7	СЕШАНБА 8	ЧОРШАНБА 9	ПАЙШАНБА 10	ЖУМА 11	ШАНБА 12	ЯКШАНБА 13
ЎЗБЕКИСТОН 6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 7.05, 16.55, 20.05, 21.35 «Сайлов - 2009». 7.20, 15.10 «Очун». 7.30 «Икки дарё оралигида». 7.50, 19.00 «Ватанимни куйлайман». 8.00 «Экспедиция». 8.40 «Манавайт» дастури. 9.40 «Шарқ тароналари». 9.40 «Болалар дунёси». 10.50 «Кўшигим - жон кўшигим». 11.20 «Ватанпарвар». 12.50 «Заволат». 13.00 «Миллий кино: «Обиксон»». 15.20 «Келахшимиз гарови». 15.45 «Бахтиёр юрт фарзандларимиз». 16.35 «Бойик Тошкент». 17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот». 17.15 «Бир ўлка-ки...». 17.35 «Эртақлар - яхшиликка етакчилар». 17.55 «Сизнинг адвокатингиз». 18.00 Серил «Умр манзаралари». 18.35 «Муқаддас қадамжолар». 19.05 «Менинг оилам». 20.10 Серил «Гулхан атрофидагилар».	ЎЗБЕКИСТОН Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17 йиллиги 6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 7.05, 16.55, 20.05, 21.35 «Сайлов - 2009». 7.20 «Бойик Самарқанд». 7.45, 18.55, 20.50 «Ватанимни куйлайман». 8.00, 17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот». 8.40 «Манавайт» дастури. 9.40 «Шарқ тароналари». 9.40 «Болалар дунёси». 10.50 «Кўшигим - жон кўшигим». 11.20 «Ватанпарвар». 12.50 «Заволат». 13.00 «Миллий кино: «Обиксон»». 15.20 «Келахшимиз гарови». 15.45 «Бахтиёр юрт фарзандларимиз». 16.35 «Бойик Тошкент». 17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот». 17.15 «Бир ўлка-ки...». 17.35 «Эртақлар - яхшиликка етакчилар». 17.55 «Сизнинг адвокатингиз». 18.00 Серил «Умр манзаралари». 18.35 «Муқаддас қадамжолар». 19.05 «Менинг оилам». 20.10 Серил «Гулхан атрофидагилар». 20.50 «Миллий кино: «Обиксон»». 21.55 «Буюк аждодларимиз». 22.25 Миллий кино: «Севги фазоси».	ЎЗБЕКИСТОН 6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 7.05 «Бойик Тошкент». 7.30, 16.40 «Икки дарё оралигида». 7.55, 18.00 «Олтин мерос». 8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот». 8.40 «Манавайт» дастури. 9.40 «Шарқ тароналари». 9.40 «Болалар дунёси». 10.50 «Кўшигим - жон кўшигим». 11.20 «Ватанпарвар». 12.50 «Заволат». 13.00 «Миллий кино: «Обиксон»». 15.20 «Келахшимиз гарови». 15.45 «Бахтиёр юрт фарзандларимиз». 16.35 «Бойик Тошкент». 17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот». 17.15 «Бир ўлка-ки...». 17.35 «Эртақлар - яхшиликка етакчилар». 17.55 «Сизнинг адвокатингиз». 18.00 Серил «Умр манзаралари». 18.35 «Муқаддас қадамжолар». 19.05 «Менинг оилам». 20.10 Серил «Гулхан атрофидагилар». 20.50 «Миллий кино: «Обиксон»». 21.55 «Буюк аждодларимиз». 22.25 Миллий кино: «Севги фазоси».	ЎЗБЕКИСТОН 6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 7.05, 16.55, 20.05, 21.35 «Сайлов - 2009». 7.20, 15.50 «Очун». 7.30, 16.35 «Икки дарё оралигида». 7.55, 18.00 «Олтин мерос». 8.00, 11.00, 11.50, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот». 8.40 «Манавайт» дастури. 9.40 «Шарқ тароналари». 9.40 «Болалар дунёси». 10.50 «Кўшигим - жон кўшигим». 11.20 «Ватанпарвар». 12.50 «Заволат». 13.00 «Миллий кино: «Обиксон»». 15.20 «Келахшимиз гарови». 15.45 «Бахтиёр юрт фарзандларимиз». 16.35 «Бойик Тошкент». 17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот». 17.15 «Бир ўлка-ки...». 17.35 «Эртақлар - яхшиликка етакчилар». 17.55 «Сизнинг адвокатингиз». 18.00 Серил «Умр манзаралари». 18.35 «Муқаддас қадамжолар». 19.05 «Менинг оилам». 20.10 Серил «Гулхан атрофидагилар». 20.50 «Миллий кино: «Обиксон»». 21.55 «Буюк аждодларимиз». 22.25 Миллий кино: «Севги фазоси».	ЎЗБЕКИСТОН 6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 7.05, 16.55, 20.05, 21.35 «Сайлов - 2009». 7.20 «Очун». 7.30, 16.30 «Икки дарё оралигида». 7.55, 12.55, 18.00 «Олтин мерос». 8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот». 8.40 «Манавайт» дастури. 9.40 «Шарқ тароналари». 9.40 «Болалар дунёси». 10.50 «Кўшигим - жон кўшигим». 11.20 «Ватанпарвар». 12.50 «Заволат». 13.00 «Миллий кино: «Обиксон»». 15.20 «Келахшимиз гарови». 15.45 «Бахтиёр юрт фарзандларимиз». 16.35 «Бойик Тошкент». 17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот». 17.15 «Бир ўлка-ки...». 17.35 «Эртақлар - яхшиликка етакчилар». 17.55 «Сизнинг адвокатингиз». 18.00 Серил «Умр манзаралари». 18.35 «Муқаддас қадамжолар». 19.05 «Менинг оилам». 20.10 Серил «Гулхан атрофидагилар». 20.50 «Миллий кино: «Обиксон»». 21.55 «Буюк аждодларимиз». 22.25 Миллий кино: «Севги фазоси».	ЎЗБЕКИСТОН 6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 7.05 Миллий кино: «Тоғлик кўё». 7.50 «Тонгги наволар». 8.00, 14.00, 19.30, 21.00 «Ахборот». 8.30 «Алиса ажойиботлар мамлакатиди». М/ф. 9.40 «Мусиқа дунёси». 10.00 «Зиё» студияси: «Этико-мустақимлик йўлида». 10.20 «Рангикамон». 10.40 «Дилдор». 11.00 «Оналар мактаби». 11.20 Серил «Гулхан атрофидагилар». 13.05 Серил «Умр манзаралари». 13.40 «Юртим бўйлаб» дастури: «Турпоқдаги мўъжиза». 14.20 Ўзбек опера санъати юлдузлари концерти. 14.45 «Шаша». Б/ф. 16.35 «Хайт манзаралари». 16.45 «Очун». 16.55 «Ўйла, Изла, Топ!». 17.35 «Эртақлар - яхшиликка етакчилар». 18.00 «Қорақалпоқ наволари». 18.10 «Саломатлик сирлари». 18.30 «Оқ дарс». 19.10 «Юртим бўйлаб» дастури: «Кичик». 20.20 «ТВ - шифокор». 20.55 «Сайлов - демократия кўзгуси». 20.35 «Шарқ тароналари». 21.00 «КиноТеатр». 22.00 «Интервью». Б/ф.	ЎЗБЕКИСТОН 6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбеки

ISSN 2010-9318.